

Одилжон Салоҳиддинов

**ШИФОКОРГА
ХОС ВА ЁТ
ФАЗИЛАТЛАР**

Одилжон Салоҳиддинов

**ШИФОКОРГА
ХОС ВА ЁТ
ФАЗИЛАТЛАР**

Андижон 2017 й

Муаллиф:

Одилжон Салоҳиддинов – Андижон Давлат тиббиёт институтининг ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори.

Тақризчи:

Неъматжон Мамасолиев – Андижон Давлат институтининг ВМОФ терапия кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Кириш

Мустақил давлатчилигимиз пойдеворини юксак маънавият асосида қуришни мақсад қилиб олган Ўзбекистон ҳукумати истиқлолнинг илк йилларидаёқ маънавиятга катта эътибор қаратиб, уни давлат сиёсати даражасига кўтаргани бежиз эмас.

Инсон тафаккурини ўстирмасдан унинг маънавий дунёсини бойитмасдан туриб, жамиятни қайта қуриш ва ижтимоий-иқтисодий соҳада жадаллаштириш вазифаларини бажариш қийин кечади.

Дунёда мутахассисликлар кўп. Шифокорлик касби шундай ноёб касбки, бу касбни эгаллайман деган инсон маънавиятли, ахлоқан баркамол бўлмоғи лозим.

Шифокор маънавияти деганида, унинг маънили фикрлаши, сўзлаши, шахсиятидаги тарбияси ва одобидаги барча ижобий хатти-харакатлар мажмуаси тушинилади.

Тиббиёт ва маънавиятнинг ўзаро яқинлиги, бу икки соҳа ҳам инсоннинг ривожига ва камолотига қаратилганлигини қадимги буюк алломалар: Абу Бакр ар-Розий, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Ал Берунийлар мудом таъкидлаб келганлар. Улар булардан бири танга даво бўлса, иккинчиси дилга даво, дейишган.

Одамларга яхшилик, меҳрибонлик қилиш, уларнинг бошига тушган кулфатни енгилда шерик бўлиш, ўзгалар бахти учун жон фидолик қилишлик- энг инсоний қувончдир. Бусиз чинакам ахлоқий гўзаллик бўлиши мумкин эмас.

Хадиси шарифда: „Тангри кимники хуш кўрса, уни ҳамма учун керакли қилиб кўяди“ дейилади. Зеро, шифокор ҳам ана шундай инсонлар тоифасига киради. Шифокор бор экан, дард чекиниб, бемор соғаяди. Инсоннинг кўрки ҳам,

унга элнинг ҳурмати, эътибори ҳам аввало уни ҳаёт мазмунига айланган муҳнати билан ўлчанади. Ён атрофдагиларга самимий муносабат, доимо ўз ишига қатъий маъсулиятлилик хисси кишини хамиша ишончга сазовор қилади.

Маълумки, юқоридаги умуминсоний маънавий хислатларга эга бўлган мутахассисни бирданига ва осонликча тайёрлаб бўлмайди. Том маънодаги шифокорни тайёрлаш иши жуда узоқ вақтни ва кўпчилик меҳнатини талаб қилувчи оғир жараёндр.

Тиббиётимиз равнақиға салмоқли ҳисса қўшиб келаётган иқтидорли кардиолог олим, педагог ва жон куяр шифокор Одилжон Салоҳиддинов бир неча йиллардан буён ўз мутахассислиги бўйича дарсликлар, монографиялар, ўқув қўлланмалар ва илмий мақолалар чоп этиши билан бирга, маънавият рукнида ҳам қалам тебратиб келади. Унинг “Эл-юрт ардоқлаган олим”, “Ҳаётнинг ўзи сабоқ”, “Аёл, она - буюк зот”, “Фарзанд ва набираларға айтганларим”, “Ўғил фарзандлар учун”, “Қиз фарзандлар учун”, “Оила маънавияти”, “Миллий удум ва қадриятларимиз”, “Тил қалб кўзгуси”, “Шифокор маънавияти”, “Тиббиёт деонтологияси”, “Донолар бисотидан”, “Ибратли ривоятлар” каби рисоалари китобхонларға маълум.

Бу рисоалардан шифокорлар, институт, коллеж, академик лицей педагоглари ва талабалари маънавият дарсларида унумли фойдаланмоқдалар. Бундан ташқари, унинг бир неча рисоалари Тошкент тиббиёт академиясининг малака ошириш курсида 2011 йилдан буён педагогика дарсларида курсантлар томонидан ҳам қўлланилмоқда.

Одилжон Салоҳиддинов навбатдаги бу рисоласида ўзининг тиббиёт соҳасидаги 50 –йиллик тажрибаси ва кузатувлари асосида, шифокорға хос бўлган ширинсуханли, иродали, инсонпарвар, интизомли, билимли, фидойи, фахм-

фаросатли, одобли, олийжаноб, синчков, раҳм-шафқатли, озодаликка қаттиқ риоя қилиш каби фазилатларни ҳаётий мисоллар билан моҳирона баён қилган.

Шу билан бир қаторда, муаллиф шифокорнинг эл суяр ва кадрли мутахассис сифатида шаклланишида унда 3-га ҳосият: тиббий билим, тиббий маҳорат, шифокор фикри бўлиши кераклигини уқтиради.

Дарҳақиқат, ҳақиқий шифокор бўлиш учун тиббиёт илмининг билимдони, хатто маҳоратли, фикри теран мутахассис бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Шифокор ахлоқан камолотга эришган, хамиша бурчига садоқатли, инсонга яхшилик қилишга интилувчи, одамларнинг дардига малҳам бўлувчи, юқори маданиятли, зиёли бўлмоғи лозим.

Муаллиф яна бу рисолада билимсизлик, таъмагирлик, кўполлик, ёлғончилик, лоқайдлик, хушомадгўйлик, манманлик каби фазилатлар шифокорга бутунлай ёт фазилатлар саналишини ҳаётий мисоллар билан баён қилган. У бу фазилатлар шифокор обрўйини туширишига, беморларнинг унга нисбатан ихлосини йўқолишига, ҳаётда уни беҳурмат бўлиб қолишига, тиббиётнинг покиза номига доғ тушишига олиб келишини таъкидлайди.

Мен бу рисолаи зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Бу рисола ҳар бир бўлажак шифокор кўлида дастуруломон бўлиши керак деб ўйлайман. Улар шифокорга хос ва ёт фазилатлар билан обдон танишиб, ўз фаолиятлари давомида ёт фазилатлардан йироқ бўлиб, хос фазилатларга ошно бўлсалар, халқимизнинг виждонли, суюкли халаскорларига айланишлариги ишончим комил.

Неъматжон Мамасолиев

Андижон Давлат институтининг
ВМОФ терапия кафедраси мудирини,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ШИФОКОРГА ХОС ФАЗИЛАТЛАР

Муайян одоб доирасида бўлиш, яхши одатларга ўрганиш, яхши ном қолдиришга интилиш инсоният пайдо бўлибдики, мавжуддир. Тарбия жиддий, узоқ муддатли жараён. Таълим ва тарбия ўртасида узилиш бўлмаслиги керак. Таълим жараёнида ёшлар етарли тарбия олмақлари, тарбия жараёни эса таълим билан тўлдириб борилиши керак. Холбуки чинакам таълимнинг моҳияти одамни одамийликка тайёрлашдан иборатдир. Чунки, инсон одамийликка хос одоб, мулоҳазалари, дунёқараши билан турли мавжудотларни гултожи бўлган.

Шу боис, мамалкатимизнинг биринчи президенти И.А.Каримов “Биз соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз керак. Соғлом инсон деганда фақат жисмоний соғломлик эмас, балки шарқона ахлоқ, одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушинамиз” деб, кўп бора таъкидлаганлар.

Дунёда мутахассисликлар кўп, шулардан бири шифокорликдир. Хозирги шароит социал-иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштиришни талаб қилмоқда. Бу эса инсон омилига бевосита боғлиқдир. Инсон омили кишиларнинг ахлоқи, одоб, маданияти, интизоми, меҳнатсеварлиги каби фазилатлари билан узвий боғлиқдир.

Тиббиёт касбини эгаллайман деган инсон бир қанча одамийлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозимдир.

Булар қандай фазилатлар?. “Шифокор” сўзининг ҳар бир харфига урғу бериб кўрсак, шифокорга хос фазилатларнинг кўпчилигини билиб олишимиз мумкин.

Шифокор сўзининг биринчи харфи “Ш”.
Шифокор авваламбор ширинсухан, шафқатли,
шижоатли,шукрона айтиб яшайдиган инсон бўлмоғи лозим.



Бир фозилдан: “Қайси фазилат энг яхши фазилат саналади? “деб сўрасалар, у: “Кулар юзли,ширин сўзли, хушмуомалали бўлиш”, деб жавоб берган экан.

Беморга энг биринчи даво, бу ширин сўз.Унинг ўрнини беҳисоб дори-дармонлар босолмайди.Ширин сўз бемор кайфиятини кўтаради, уни соғайишга бўлган ишончини оширади.

Бир хадисда пайгамбаримиз алайҳиссалом: “Кишининг чиройи тилининг ширинлигидадур”, деган эканлар. Дарҳақиқат, “Тили ширин бўлганни эли ширин бўлади” деб бежиз айтишмаган.

Маълумки, тил дегани ҳамма жонзотларда бор. Лекин сўзлашмоқ, нутқ бутун жонзотлар ичида фақат инсонга насиб этган. Инсон ҳар бир сўзни фаҳм, фаросат билан гапирсин деб, унга ақл берган.

Луқмони Хақимдан: “Ҳазрат, сиз сўзлашганингизда одам ҳеч бир хато топаолмайди. Бунчалар ширин ҳақ каломни кимдан ўргангансиз?”, деб сўрашибди. Ҳазрат: “Кўзи ожизлардан ўргандим. Эътибор берсангиз, кўзи ожизлар оёқ қўйишдан аввал, хассаси билан олдидаги қадам қўядиган жойини текшириб, сўнг оёқ қўяди. Мен ҳам сўзлашдан аввал, ичимда гапириб кўраман. Гапимни кишига қандай таъсир этишини билиб оламан. Сўнгра тилимга чиқараман” деб жавоб берган эканлар.




Айтайлик, сиз кимнингдир дилига қаттиқ сўз айтиш учун оғиз жуфтладингиз. Бир сония сабр килинг, фақат бир сониягина. Сўнг бир дақиқа. Бу дақиқани яна бештага етказсангиз, ишонинг, катта матонат кўрсатган бўласиз. Яна бир оз мулоҳазадан сўнг, энди шу сўзни айтиш фикридан қайтасиз ёки айтсангиз, охири пушаймонлик бўлмайди.

Ширинсуҳанлик инсонларга адо этилган бир фазилатки, кимда-ким шу фазилатни маҳкам тутса, у катта ютуқга эга бўлади.

Шу боис ҳам хадисларда: “Сиз биров билан учрашиб, сўзлашсангиз, сўзлаган одамнинг савлатига эмас, унинг оғзидан чиқаётган сўзларининг мазмунига боқинг” деган ибратли сўзлар бор.

Мутафаккир шоир Алишер Навоий: “Шифокор, мулойим сўзли ва бемор кўнглини кўтарувчи, андишали, хушфъел бўлмоғи керак” деган. У шижоатли, шафқатли табибни пайғамбар Исога ўхшатади. “Исонинг иши жонни дуо билан танга киритиш бўлса, табибни иши тандан чиқмоқчи бўлган жонни даво билан чиқармасликдир. Бунда шифокорнинг юзи хаста кўнглида севимлидир, сўзи эса, беморлар жонига ёқимлидир. Унинг ҳар бир нафаси беморларга даво, ҳар бир қадами эса, хасталарга шифодир” дейди.



Абу Али Ибн Сино ҳам: “Шоир тилни амри бўлганидек, табиб баданнинг шоҳидир. Табибнинг вазифаси хастани даволаш, у ким бўлишидан, қандай масҳабга, динга мансублигидан қатъий назар, ёшми- қарими, эркакми-

аёлми, ўғилми-қизми, барибир касал, уни оёкка турғазиши, дардига шифо бериши, ўзгаларга бегона ёки хирс кўзи билан қарамаслиги, хаста қиз бўлса, ўз кизини, ўғил бўлса, ўз ўглини аёл бўлса, ўз онасини, эркак бўлса ўз отасини, инига акасини кўраётгандек бўлиши шарт. Хастага ширин сўз, хушхулқ, хушмуомала билан ёндашмоғи, унинг дардини ўзининг дарди деб билмоғи, оғриси-оғриб, йиғласа-йиғлаб, инграса-инграб даволаши керак. Аммо сўкинса-сўкинмаслиги, додласа-додламаслиги, ёмон кўнглига бормаслиги керак” деган экан.

Буюк рухшунос олим В.М.Бехтеров ҳам: “Агар шифокор суҳбатидан кейин бемор ўзини енгил хис этмаса, бу шифокор эмас” деган эди.

Шу боис, шифокор ўзининг нутқ, муомала маданиятини, сўз бойлигини нафақат мутахассисликка оид, балки бадий китобларни ҳам ўқиб ошира бориши жоиз. Шифокор ўзининг ширин каломи билан бемор билан биринчи мулоқатдан сўнг, унда соғайиб кетишга ишонч, умид алангаларини ёқа олсагина, у яхши шифокор бўла олади.

Шу ўринда буюк бобокалонимиз Абу Али Ибн Синонинг бир гапини келтириб ўтмоқчимиз: “Биз учтамыз, дейди у беморга, мен, сен ва касаллик. Агар сен менга ихлос қилиб, мен томонимга ўтсанг, биз икки киши бўлиб, касалликни енгамиз. Агар сен менга ишонмай, ихлос қўймай, касаллик томонига ўтиб олсанг, шуҳбасиз, сизлар мени енгасизлар”.

Шифокор аҳлининг бир чеккасини лирика ва назм, иккинчи четини мусиқа ва наср, марказий қисмини тиббиёт эгаллаган бўлса ундай шифокор бемор билан дилдан суҳбат кура олади, уни кўнглига осон йўл топади, уни даволашга бўлган умидини оширади.

Шифокорни она тилимизга, унинг бебаҳо дурдоналарига меҳру мухаббати бекиёс, ихлоси баланд ва чексиз бўлиши

керак. Халқ оғзаки ижодини, мумтоз адабиётимизни, сўз санъатини муносиб кадрлайдиган шифокоргина ўз халқининг азиз ва эъзозли хаками даражасига кўтарилиши мумкин.

Донолар: „Бир сўзни ўрганиш учун олти сония кифоя қилади. Аммо сўзларни ўрни-ўрнига қўйиб сўзлашишга ўрганиш учун эса олтмиш йил ҳам камлик қилади“ дейилган. Бу ҳақ гап.

Қадимги битикларда: “Кимки бўлса хуш чирою, хуш қилиқ, доимо кўрган жаҳонда яхшилик “деган сўзлар ҳам борлигини унутмаслик керак.

Инсоннинг маънавий дунёси қандай эканлигини унинг нутқи орқали яққол сезиш мумкин. Ўз халқига чексиз меҳр қўйган ҳар бир инсон суҳбат чоғида ҳар бир харф, сўзга эътибор беради. Ширин лутф ила суҳбатдошининг хурматини жойига қўяди. Инсон асабининг қирғичи ҳам тил, тўтиёси ҳам тил экан, ҳар бир гапни аввало фикр дошқозонида яхшилаб пишириб, сўнгра мия дастурхонига узатилса яхши бўлади.

Шу боис шоирлардан бири ҳам:

Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,
Яхшидур ер юзин қилгандан обод.
Лутфингла бир дилни кул қила олсанг,
Афзалдир юз кулни қилмоқлик озод.

деган экан.

Яна донолар: “Дунёда энг бемаза одам қўли қисқа, тили узун одамдир. Тили қисқа, қўли узун одам эса доимо дўстлар қуршовида, яқинлари меҳр-эътиборида бўлади” деган эканлар.

Шифокор сўзининг иккинчи харфи “И” дир. Шифокор илми, иродали, инсонпарвар, интизомли, иқтидорли, ҳар ишда илғор каби фазилатларни ўзида мужассамлаштирган бўлмоғи лозим. У ўқув даргоҳида

олган билимини уни битиргандан сўнг ҳам доимо тўлдириб бориши керак. Хисоб-китобларга кўра, инсонлар ўртасида учрайдиган касалликларнинг сони ўнг мингдан, касаллик белгилари эса юз мингдан зиёд экан. Бундан ташқари, хар йили дунёда касалликларга қарши минглаб дорилар ишлаб чиқарилади. Буларни шифокорлик жараёнида турли тиббий адабиётлар, журналлар ва айрим бошқа манбалардан фойдаланган холда ўрганиб бориши керак.



Машҳур клиницист ва олим, академик В.Х.Василенко шифокорларга қарата: “Шифокор одоблигининг асоси чуқур билимдир. У бошқа хар қандай мутахассисликдан фарқли ўлароқ, ўз соҳасининг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлиши зарурдир. Масалан, яқиндагина тиббий адабиётда баён этилган касалликнинг кечиши хусусиятлари, янги диагностик усуллари, янги дори-дармонлардан беҳабар қолиш беморнинг соғлиги учун жиддий таъсир этувчи салбий оқибатларга олиб келиши мумкин” дейди

Машҳур тиббиёт тарихчиси М.К.Кузьмин: “Врач қандай бўлиши керак?” деган саволга талабалар берган бир неча жавоблардан келтиради. Жумладан, бир талаба: “Ўз

касбини ҳақиқатдан севадиган, одамларга меҳр, муҳаббат кўйган, ҳар доим уларни хурсанд ва қувнаб туришларини истаган билимли кишиларгина врачлик фаолиятини танлайдилар” деган бўлса, бошқа бир талаба: “Билимли инсонларгина шифокор бўлишга ҳақлидирлар” деган экан.

Ўрта аср шарқ тиббиётининг кўзга кўринган вакилларида Абу Бақр Ар Розийнинг таъкидлашича: “Шифокор даволаш билан банд бўлиб қолмасдан, тиббиётга оид адабиётларни ҳам ўқиб бориши керак. Минглаб шифокорлар, эҳтимол минг йилдирки, тиббиётни такомиллаштириш устида меҳнат қилиб келганлар.

Шунинг учун ҳам уларнинг асарларини ўқиб, мазмунига тушуниб етишга интилган киши, минг йил давомида беморларни даволаб келгандан кўра, ўзининг озгинагина умри давомида кўпроқ нарсани кашф этади”, дейди. Буюк ҳаким фақат ўқиш эмас, балки ўқилган нарсани мушоҳада қилиш, танқидий баҳо бериш, булар натижасида йиғилган билим, тажрибалардан беморларни даволашда фойдаланиш кераклигини таъкидлайди.



Шифокор билимсиз бўлишга ҳаққи йўқ. Билмаслик айб эмас, билишни истамаслик айбдир.

Саводсиз, билимсиз шифокорни Алишер Навоий жаллоддан ҳам баттар, деб таърифлайди, чунки жаллод гуноҳкорни ўлдиради, саводсиз шифокор эса ўз хатти ҳаракати билан гуноҳсиз кишини ўлдиради.

АҚШда тиббиёт билим масканларини битириб чиқувчиларга 3 хил диплом берилар экан. 3 баҳога битказганларга сарик, 4 баҳога битирганларга кўк ва аълога битирганларга эса қизил. Хар бир хонадон эшигига, шу хонадонда 3,4 ёки 5 баҳога битирган “пистончи” шифокор яшайди, деган ёзув ёзиб қўйилар экан. Энди ўйлаб кўринг, тиббиёт хизмати пуллик бўлса, ким оила аъзоларини ва яқинларини 3 баҳога битирган шифокорга кўрсатади?

Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг кўрсатмасига биноан бемор шифохона ва поликлиникада шифокорни танлаш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Бу масканларда яхши шифокорга кўп бемор мурожаат этиб, яхши даволанса, иккинчисига кам бемор келса ва бу ҳолат хар кун такрорланаверса, иккинчи шифокор ўз-ўзидан ишдан кетишга мажбур бўлади. Бу ҳаёт тақозоси.

Менимча бўлажак шифокорлар олий ўқув юртларида 3-баҳога ўқишларига ҳаққи йўқ. Чунки, инсон ўзи учун энг катта бойлик бўлган саломатлигини кимга ишониб топшириши керак? Шифокорнинг эл-суяр ва кадрли мутахассис сифатида шаклланиши учун унда 3та ҳосият: “Тиббий билим, тиббий маҳорат, шифокор одоби” бўлиши керак.

Ҳақиқатан, ўз касбини севган шифокор хар бир ишни ихлос билан, интизом билан бошлаб, ирода билан охирига етказиши керак. Илғор, интизомли шифокор доимо изланишда бўлади. Ўзининг кундалик вазифасидан ташқари, ақлу-заковати орқали янги-янги ташаббуслар

билан чиқади ва уларни амалиётга тадбиқ этади. Яхши иш услубини жамоа аъзолари ўртасида ёяди. Натижада, ташаббус қулоч ёйган жойда муваффақиятлар бисёр бўлади, обрў, эътибор зиёда бўлади. Ўқимишли, билимдон инсонлар қалби зиёга, саҳоватга бой бўлади. Саводхон инсон атрофида кечаётган ҳамма воқеаларга ақли етадиган, келажакни кўра биладиган одамдир. Зиё ва саҳоватга тўла қалбда одамийлик, эзгулик, меҳр-шафқат, тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳалоллик, интизом, адолат ҳукмрон бўлади. Бундай қалбга лоқайдлик камроқ ин қуради.

Шифокор сўзининг учинчи ҳарфи “Ф”дир. Шифокор ўз касбига фидойи, фаҳм-фаросатли бўлмоғи лозим. Инсон табиати қизик. Одамлар борки, бировни ғам ташвишини, бошига тушиб турган мусибатини кўриб, заррача ҳам пинагини бузмайдилар. Лекин, бахтимизга орамизда ўзгалар учун жонини фидо этаётганлар ҳам кўп. Бахтсизни қутқарай деб, ўзини сувга ташлаганлар, ўтга урганлар оз мунчами? Бировни дардини олай деб, ўлим билан юзма-юз келган шифокорларнинг фидойиликлари ҳам ана шундай жасоратлардан қолишмайди.




Шифокор ҳар доим, ҳар қандай шароитда ҳам даволашнинг имконият ва чораларини излаб топа олади. Шифокорда бирор касалликни юктириб олиш, ўзига зарар етиш хавфи бўлмайди. Энг даҳшатли дардлардан инсонларни халос эттираман деб, ўзларига касалликни юктириб, вафот этган шифокорлар озми?

Одесса шахрилиқ врач-эпидемиолог С.С.Андревский 1837-йили куйдирги хасталигини ўзига юктириб, бу касалликни юқумли табиатини кўрсатиб берган. Профессор Г.Н.Минх тошма ва қайталама тиф касалликларини келиб чиқиш сабабларини ўрганмоқ мақсадида бемор қонини ўз териси остига юборган. Ўлат касаллиги бўйича мутахассис Д.К.Заболотний ва таниқли бактериолог И.А.Деминскийлар ўлат касаллигини ўрганиш жараёнида ўзларига бу касалликни юктириб, вафот этганлар. Нобель мукофоти лаурияти, япон олими Ночуги ҳам Африкада сариқ иситма касаллиги сабабини аниқлаш жараёнида бу касалликни ўзига юктириб, вафот этган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

“Врачлик касби – жасорат, бу касб фидойиликни, қалб ва фикр софлигини талаб қилади” деган эди А.П.Чехов.



Ҳар қандай шароитда ҳам бемор олдида туриш, ҳеч кимдан ва ҳеч қачон ўз ёрдамини аямаслик фидойи шифокор табиатига хос бўлиши керак. Яхшилик қилиш инсон учун энг олий туйғу. У ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Буйрук, хаттоки фармони олий билан ҳам бунга эришиб бўлмайди. У бозорда сотилмайди, таниш-билишчилик орқали қўлга киритилмайди. У шундай ноёб, тенги йўқ бебаҳо туйғу. Бировларга яхшилик қилишга ориятли, виждонли саҳоватли кишиларгина қодирлар. Бу тоифа шахсларга шифокор кириши керак. Чунки шифокор оқ халатда бўлади. Оқ халат беғубор фикр, доимо ёрдамга тайёр туриш ифодачисидир.



Бу борада шоирлардан бири:

Элнинг дарди билан куйсагина жон,
Ўша жон эгаси-ҳақиқий инсон.
Нонга боқ, тандирда ўзини ёққач,
Уни олқишлайди жумлаи жаҳон, деган экан

Шифокор сўзининг навбатдаги харфи “О”дир.
Шифокор одобли,оқил,олийжаноб инсон бўлмоғи лозим.

Ахлоқ - инсон маданиятининг таркибий ва ажралмас қисмидир. Унга одоб сақлаш қоидалари яъни муомала ва мулозамат нормалари, хушмуомалалик, меҳнатда ва ҳаётда ўз вақтини тартибга сола билиш,гигиена ва саломатлик қоидаларига амал қилиш,бошқалар олдида ўзини тутабилиш, имо-ишора ва тана ҳаракати қоидаларига амал қилиш, сўраганда тўғри,равон гапира олиш, ўз фикрларини қисқа,аниқ ифодалаш ва бошқалар киради.



Абу Али Ибн Сино: “Ахлоқ-хар бир киши учун ўз-ўзини идора қилиш илмидир”деб таъриф берган. Ҳадиси шарифда: “Сизлар одамларни мол дунёларингиз билан маҳкум қила олмайсиз, балки очиқ юз ва яхши хулқларингиз билан миннатдор қилишингиз мумкин” дейилган бўлса, буюк аялома Абу Наср Фаробий: “Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари унинг ахлоқи билан белгиланади” деган экан.

Инсондаги гўзаллик,табиат ато этган гўзалликдан ташқари,энг яхши хулқ атворни, энг яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштирган одамийликдир.

Қадимги юнон табиблари томонидан тартибга солинган Гиппократ қасамёдида: “Шифокор юксак ахлоққа эга бўлиши, қалби пок, виждони соф бўлиши керак” дейилган. Шу боис бўлса керак халқимизда: “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин” деган нақл юради.

Атоқли олим ва адиб,буюк ахлоқ соҳиби Хусайн Воиз Кошифий: “Хар бир вақтнинг, хар бир ҳолатнинг, хар бир мақомнинг ўз одоби бор, кимки шу одобни сақласа, мардлар мақомига етади” деган экан.

Одамийлик илмини ҳаётдан ўрганмоқ лозим. Хулқи зебо, маданиятли, фаҳм-фаросатли инсонларни муомала маданиятини, ўзини одамлар орасида қандай тутишини ва одоб сақлашини, сўз талаффузини, умуман кишилар билан мулоқатда одатланаётган хилма хил гўзал муомала воситаларини ўрганиш, улардан ижобий фойдаланиш керак. Одоби инсонлар самимий ва олийжаноб бўладилар. Улар ўзларининг бутун кучлари, билимларини жамият учун, халқ учун баҳшида этадилар. Одоби инсонларнинг хислатларидан бири-хушмуомалалиқдир. Хушмуомалалиқ атрофдаги барча кишиларни ҳурмат қилиш, уларнинг қилаётган ишларига ўнғайлик туғдиришга интилишдир. Донолар: “Хушмуомалалиқдан улуглик, қаноатдан роҳат,ихлосдан муҳаббат пайдо бўлади. Хушфъел кишилар билан ҳамсуҳбат бўлганда кишилар ёзилади, дарди пайсал топади. Беморлар кўригида уларга бемор демай, ота, амаки, ая каби сўзлар билан мурожаат қилиш ҳам одобдандир” дейишади.

Бўлажак шифокорлар Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Яссавий, Пахлавон Маҳмуд каби бобокалонларимизнинг

одоб-ахлоққа доир асарлари билан танишиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Уларда ҳақиқий инсонийлик фазилатлар баён этилган.

Ушбу шеърӣ мисралар ҳам одоб ҳақидадир:

Одоб билан инсон иззат топади,
Обрӯю, шарафу хизмат топади.
Одоб соҳиби-ла сўзлашган киши,
Руҳига дармону лаззат топади.

Инсон шарафининг ривожи одоб,
Қадру қимматнинг гултожи одоб.
Балою қазодан омон сақловчи,
Қалқону восита,иложи одоб.

Шифокор сўзининг навбатдаги харфи “К”дир. Шифокор камтар инсон бўлмоғи лозим. Камтар шахс бошқалардан ўзини устун қўймайди, ўзига бино қўйиб, сохта шухрат кетидан қувмайди, мақтанчоқлик қилмайди, ютуқлардан эсанкирамайди, мағлубиятдан ҳам ўзини йўқотмайди.



Бир донишманд: “Қандай қилиб илмнинг энг юқори чўққисига чиқдингиз? деб сўрасалар, у: “Билмаган, тушинмаган нарсамни олимдан ҳам, оддий одамдан ҳам, каттадан ҳам, кичикдан ҳам сўрадим. Бу тўғрида уялмадим, номус қилмадим, ўзимни юқори тутмадим” деган экан.

Инсоннинг камтарлиги пинҳона бўлади, тилда айтилмайди, балки инсонлар билан муомалада, хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Камтарликни ўзига пеша қилган одам ҳалқ ҳурматига сазовор бўлади, бахт -саодат доим унга ёр бўлади. Камтарликни ўзига либос қилиб олган инсонлар ҳаётдаги энг яхши, соф виждонли кишилар бўлиб, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай лавозимда тўғри ва ҳақиқий йўл тутадилар, тўғри сўзлаб, тўғри юрадилар, олийжаноб, раҳм-шафқатли бўладилар, ҳамма ишни сарамжон-саришта бажарадилар, ёлғон-яшиққа йўл қўймайдилар. Шу боисдан донолар: “Доимо камтар бўл, камсуҳан бўл, кам бўлмайсан” деб уқтирганлар. Чинакам камтар инсонлардан ҳар қандай буюкликни, ҳар қандай фидойиликни кутиш мумкин.



Хўжа Аҳмад Яссавий ўз ҳаётларида жуда камтарин бўлган, ўзини ўзгалардан устун қўймаган экан. Биламан деб кибру-ҳавога берилмаган, ўзини ва ўзгаларни камтарликка чақирган. У ер юзида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан ортиқ яшашни нокамтарлик билиб, ботиний яшашга аҳд қилганлар ва ер ости хужрада яшаганлар. Шоирни зиёрат қилиш учун узоқ-яқиндан келган одамлар қошига онда-сонда чиққан экан ва ўша пайтда ўз ўғитларини айтар эканлар. У ўз ўғит ва хикматларида камтарлик, ростлик, покликни баланд тутган, кўнгил ва тил бирлигини қадрлаган эканлар.

Мир Алишер Навоий ҳам камтарликни юксак баҳолаган. Шайх Баҳовуддин Нақшбанд камтарликни ҳамма нарсадан юқори қўйиб, кўнгилни ранжитишни қабоҳат деб билган. Баҳовуддин Нақшбанднинг камтарлигини унинг яшаш мазмунидан ҳам билиш мумкин. Уни уйи, оиласи йўқ бўлган экан. Бир бурда нонга, бир қултум сувга қаноат қилган эканлар, хизматкор сақламаган экан. Нақшбанд одамларга беғараз ёрдам берган, ўз меҳнати билан фақирона, халол яшаган, ҳаммага раҳм-шафқатли бўлишни тарғиб қилган экан.

Яқин ўтмишдаги буюк алломаларимиз Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпонлар ҳам заҳматкаш кишилар сифатида ҳамиша эл-юрт ардоғида бўлганлар.

Шарқ донишмандларидан бири: „Ҳар кишининг бўйнида 2-та занжир бўлур: буларнинг бири етти қат замин қарида. Кимки камтарлик, тўғрилиққа эътиқодли бўлса, юқоридаги занжир тортилур. Бундай одам халқ ичида улуғ ва азиз бўлур. Кимда-ким кибрликни, эгриликни, такаббурликни одат қилса, пастки занжир тортилур ва ундай инсон эл орасида хор ва безътибор бўлур” деган эканлар.

Шу хусусда эътиборингизга қадимги бир ривоятни келтиришни жоиз деб билдим. Айтишларича, кишилар

мажнунтол олдиға хадеб келаверганликларидан мирзатеракни гаши келиб, такаббурлик билан: “Ёнимға савлатимдан хайиқиб, унча-мунча одам келавермайди. Сенға хайронман, олдиндан одам аримайди, яна сени кўшиққа солганиға хайронман” дебди.

Шунда мажнунтол: “Сен, кибру-хаво билан осмонға қараб интиласан, соянғ ҳам ўзингға яраша. Мен эса ўзимни вояға етказган заминға доим таъзимдаман. Олдимға инсонларнинг кўп келиши балки шундандир. Сен манманликка берилмаганинда эди, охири кесилиб оёқ остиға тушмаган бўлардинг” деб жавоб берган экан.

Эл суйган шоир Эркин Воҳидовни қуйидаги шеърин мисралари ҳам камтарликни улуглайди|:

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан манманлик нечун,
Кибри хаво нимаға керак.

Камтарин бўл хатто бир қадам,
Ўтма гурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг учун,
Ўпар доим пешонасидан.

Халқимиз орасида юрган “Йўқ нарса ҳам бор бўлур,сен камтар бўлсанг,

Бор нарса ҳам йўқ бўлур,сен манман бўлсан”

Ёки „Мақтанган панд ейди, камтар қанд ейди” деган нақллар ҳам бежиз эмасдир.

Шифокор сўзининг яна бир харфи “О” дир. Шифокор ораста, озодаликка риоя қиладиган инсон бўлиши керак. Беморни ўраб турган мухит-палата шинам ва озода бўлмоғи лозим. Халқимиз орасида “Палата девори ҳам беморни даволайди” деган гапни юриши ҳам бежиз эмас. Шифокор эғнидаги халат,бошидаги қалпоқча озода,

дазмолланган бўлиши лозим. Шифокорни ораста кийиниши беморда яхши кайфият уйғотади ва ўзи даволанаётган жойга нисбатан хурмати ошади.



Шифокор ўз вазифасини бажараётган пайтда ҳеч қандай сунъийликка ва ясан-тусанга зеб бериши керак эмас, зеро бемор шифокордан зеби-зийнат кўришликни эмас, балки дардига даво кутади. Эркак ҳам, аёл ҳам ўзига хос кийингани маъқул. Биз кийиниш борасида тараққиётга асло қарши эмасмиз. Лекин кийиниш ҳам миллий мафкурамизнинг ажралмас бўлаги эканлигини ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ. Бунга бўлажак шифокорлар катта эътибор беришлари керак.



Охирги пайтларда йигит-қизларимизнинг кийиниш эркинлиги, маъсуляти ва маданияти ҳақида кўп гапирилмоқда. Чунки кундан-кунга айрим ёшларимизнинг кийимлари ярим-ялонғоч, докадан майин, тор, йиртиқ, хуллас аянчли тус олаётганлигини гувоҳи бўлаяпмиз. Агар инсон ўз уйида юрган бўлса, унинг қандай кийиниши ўзининг шахсий иши, кўча-кўйда қандай кийиниб юриши эса-бу ижтимоий, маънавий масаладир. Доноларимиз: “Кийиниш эркинлиги – бу олий қадрият, бироқ ахлоқ доирасидан четга чиқадиган ҳар қандай эркинлик-ахлоқсизликдир” дейишган.

Шахс либоси орқали атрофдагиларга ўзи ҳақида маълумот таркатади. Бунга баъзилар эътибор бермасалар керак. Қиз-аёлнинг баданларини ёпиб уриши бир маънони, очиқ-сочиқ юриши эса бошқа маънони англатади.

Ўзбек миллатида ўзига хос “Ҳаё” тушинчаси бор. “Ҳаё – бу одамийликни ўзаги” дейишади. Шу ўринда бир ривоятни эслатиб ўтишни жоиз деб билдим.

Бир ўзбек аёлини маълум айби учун қатл қилмоқчи бўладилар. Уни олиб кетмоқчи бўлиб кирганларида, у миршабдан игна, ип сўрайди. Миршабнинг “нима учун?” деган саволига, кўйлагини бир жойи йиртилганини ва уни тикиб олмоқчилигини айтади. Шунда миршаб “Сени қатлга олиб кетяпмиз-у, уни тикишдан не фойда?” деган саволига у аёл: “Мен ўзбек аёлиман, ўлимга кетаётган бўлсам ҳам танамнинг бирор жойини ёт кимсаларга кўрсатмай, ҳаёни йўқотмаган ҳолда ўлишим керак” деб жавоб берган экан. Кўрдингизми, аждодларимиз аввалдан ҳаёни, одоб-ахлоқимизни қандай авайлашган, эъзозлашган.

Қизларни очик-сочик кийиниб юришлари нафақат маънавият масаласи, балки генофонга таъсири бор масала ҳамдир.

Жинслараро муносабатни ўрганувчи мутахасислар-сексапатологлар фикрича, қизларнинг бундай очик-сочик кийиниб юришлари уларга нигоҳ солган йигитларнинг жисмоний саломатлигига, таъсирчанликларига салбий таъсир қиларкан. Натижада янги турмуш қурган айрим оилаларда нохуш ҳоллар кузатиларкан. Енгил-елпи, таъбир жоиз бўлса ярим ялонғоч тор, тиззаси йиртиқ шимлар, калта юпкалар, яна қандайдир антиқа кийимлар, футболкалар ва бошқаларни кийиниб олганлар кимнинг аждодидан эканликларини унутмасликлари керак. Мамлакатимизда туризм кенг ривожланмоқда. Бугун хориждан юртимизга кўплаб келаётган сайёҳлар кийиниш борасида ёшларимиз миллий либосдан қандай фойдаланаётганликларига ҳам эътибор қаратмоқдалар. Кийинишга бефарқ караш бу – маданиятсизликдир. Кийиниш – бу маънавиятнинг бир қиррасидир. Шу боис, неча асрлар давомида ҳар қандай тайзиқлар остида бўлса

ҳам асраб келинаётган миллий қадриятларимиз, ахлоқ-одобимиз, шарму-ҳаёмизни софлиги учун курашишга барчамиз маъсулмиз.

Шифокорнинг озодалиги, ораста кийимлари, беморга қандай таъсир қилса, шифохона ичидаги ҳар хил ёзувлар, алвонлар, ҳикматли сўзлар ҳам шундай таъсир қилиши мумкин. Бу борада бир воқеани эслаб ўтишни жоиз деб билдим.

Хамадон шаҳрида Абу Али Ибн Сино ташаббуси билан беморларни даволайдиган жой қурилади: Хамадон шаҳри ҳокими Шамс ал-Давл уни “Касалхона” деб номлаймиз, дейди. Шунда Абу Али Ибн Сино мулойимлик билан эътироз билдириб: „Касалхона“ сўзи беморларни ётиб, тузалишига салбий таъсир кўрсатади. Уни “Шифохона” деб атасак, беморларда шифо топиб кетаман, деган ишонч пайдо бўлади, бу ҳол беморларни тезроқ даволанишига имкон беради” деб ўз таклифини ҳокимга ишонтира олган экан ва шундан сўнг бу қурилишга “Шифохона” деб ном берилган экан. Кўрдингизми, неча минг йиллар илгари ҳам беморлар қалбига озор бермасликка, улар руҳиятини кўтаришга катта эътибор берилган.

Шифокор сўзининг навбатдаги харфи “Р”дир. Шифокор инсонларга раҳмдил, меҳр-шафқатли бўлиши керак. Режа асосида иш кўришга одатланган бўлишлари лозим.

Меҳрибонлик- шифокор учун яхши хислат. Шифокор ҳар бир беморга ўзининг яқин кишисидек меҳрибонлик кўрсатиши керак.

Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Муҳаммад Юсуф: Шундай шифокорлар борки, туғишган акангдай қарайди сенга. Тузалиб кетасан уялганингдан, деганда минг бора ҳақдир

Шифокор учун ҳар бир беморнинг дардига даво топиб, уни оёққа тургазишдан ортиқроқ бахт борми? Шифокор ана шу бахтдан бир умр ажралмасликка ҳаракат қилмоғи лозим. Шундагина у ўз касбига монанд инсон бўлиб қолади.



Шифокорга хос фазилатлардан яна бири синчковлик ва зийракликдир. Бу ҳар қандай саховатли шифокор учун айриб бўлмас фазилатдир. Шу ўринда Эрон ривоятларидан бирини эътиборингизга хавола этмоқчиман.

Буюк аллома, Абу Али Ибн Сино Хамадон шаҳрига борибди. Шаҳарда мусофирхона бўлмагани сабабли ҳамкасб табиблардан бирини уйини топиб борибди. Табиб бир беморни кўриб турган экан.

-Сизда ишим бор эди,-дебди Ибн Сино табибга

-Беморни жўнатиб юборай, кейин гаплашамиз, - дебди табиб. Абу Али Ибн Сино уйнинг бир чеккасига чўкиб, табибнинг касал кўришини кузатиб ўтирибди. Табиб навбатда турган бемор хотинни чақириб, томирини кўргач: "Қатиқ ичибмидингиз?" деб сўрабди.

-Ха, ичган эдим,деб жавоб берибди хотин

Табибнинг бемор томирини ушлаб, қатиқ ичганини аниқлагани Ибн Синони хайрон қолдирибди.

Табиб хотинни афтига қараб, саволни яна давом эттирибди.

-Уйлариңизни эшиги кун чиқишга қараганми?

-Ха

-Кеча хўроз палов еганмидингиз?

-Ха

Табиб аллақандай тавсиялар бериб,хотинни жўнатиб юборибди. Табиб бошқа беморларни ҳам шу алфозда кўрибди. Абу Али Ибн Сино табибнинг билимига қойил қолибди. Беморларни ҳаммасини тугатиб бўлгандан сўнг, табиб Абу Али Ибн Синога қараб: “Қани меҳмон, энди гаплашайлик, хўш хизмат?”, дебди. Абу Али Ибн Сино табибнинг ёнига келиб ўтираркан, унинг олдидаги катта бир китобга кўзи тушибди, унинг биринчи саҳифасини очиб қараб:

-Бу китоб „Ал-қонун ку” дебди

-Сиз Абу Али Ибн Синомисиз?-саволга савол билан жавоб қилибди табиб.

Абу Али Ибн Синонинг хайрати янада зиёда бўлибди. Бир нафас сукутдан сўнг, табибга дебди:

-Сизнинг табобатдаги маҳоратингиз мени қойил қолдирди. Бемор томирини ушлаб,уни қатиқ ичганини қандай билиш мумкинлигига ақлим бовар қилмайди.

-Бу ерда хайрон қоладиган ҳеч гап йўқ, дебди табиб, “Қарасам,хотиннинг енгига қатиқ томган экан. Шунга қараб: “Кеча қатиқ ичганмидингиз?, деб сўрадим. У: “Ҳа,ичган эдим, деди. Талаффуз қилишидан маълум бўлдики, у маҳаллий яҳудий экан. Шаҳримиздаги барча яҳудийларнинг эшиклари кун чиқар томонга қараган бўлади. Бу саволим ҳам тасдиқлангандан сўнг, уни маҳаллий яҳудий эканлигига тўла қаноат ҳосил қилдим. Уларнинг ҳаммаси шанба куни хўроз палов ейиши ҳаммага маълум. Беморга руҳан таъсиримни ўтказгач, унга арзимаган тавсияларни бердим. Бунинг учун унча катта табиб бўлишнинг хожати йўқ, албатта.

Абу Али Ибн Сино кулиб туриб:

-Хўш,мени Абу Али Ибн Сино эканлигимни қаердан билдингиз?, деб сўрабди.

-Мана бу китобни сотиб олганимга анча бўлди, дебди табиб, уни менга табобатдан таълимот деган эдилар, лекин араб тилида ёзилгани учун унга тишим ўтмади. Китобни бир қарашдаёқ топган инсон уни ёзган кишининг ўзи бўлса керак,деган тусмол билан “Сиз Абу Али Ибн Синомисиз?,- деб сўрадим, деб жавоб берган экан.

Кўрдингизми, синчковлик, зийраклик бу табибга қанча муваффақият олиб келди, беморни унга нисбатан ихлоси ортди. Шифокорга ихлос бор жойда, беморга шифо осон топилади.

Шифокор халол ва инсонларга беминнат ёрдам берувчи,садоқатли,сабр-бардошли шахс бўлиши лозим. Юқоридаги фазилатлар ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари (хамшира ва энагалар) учун ҳам тегишлидир. Улар беморларни даволашда шифокорларнинг асосий ёрдамчиларидир.

Хамшира ўзининг бутун иш кунини беморлар ёнида ўтказади.Энг қийин ва оғир шароитларда шифокор билан ёнма-ён туради. Шунинг учун ҳам бемор ҳаётини сақлаб қолишда, даволашда унинг хиссаси шифокордан кам бўлмайди.

Хамшира хушмуомала бўлиши ва ҳовлиқмай ишлаши лозим. Уни беморлар билан турли мавзуларда суҳбатлашишига ҳам тўғри келади. Шу боис, хамширанинг маданий савияси, нутки, дунёқараши, билими катта аҳамиятга эга. Хамширалар гўёки осуда ва унчалик сезиларсиз кундалик меҳнатлари билан чинакам жасорат кўрсатадилар.



Бемор шифохонада даволанибгина қолмай, парваришга ҳам муҳтож сезади. Худди шу парваришда энагалар хизмати бисёрдир. Улар кун давомида беморларга қараш, уларни жойлаштириш, ўриндиқларини тузатиш, хонани йиғиштириб, уни озода сақлаш, палата хавосини алмаштириш, беморларга овқат тарқатиш ишлари билан машғул бўладилар. Энага тиббиётнинг баъзи бир масалаларидан бошланғич маълумотга ҳам эга бўлиши лозим. У беморнинг рухий ҳолатини яхши тушиниши, беморга нисбатан меҳрибон ва ҳайрихоҳ бўлиши лозим. Бизнинг техника ва автоматика асримизда баъзи бир мураккаб бўлмаган электр асбоблар, аппаратларни назарда тутганда энага техник жиҳатдан ҳам саводи бўлиши керак. Умуман олганда, ҳозирда энагаларни кичик тиббиёт ҳамшираси деб аташ керак, деганлари бизнингча мутлақо тўғри.

Шифокор, ҳамшира ва энагалар беморларни даволашда ахиллик, яқдиллик билан ишларлари лозим. Шифокорни ҳамшира ёки энагага берадиган танбехини бемор ёки унинг қариндошлари олдида юз беришга асло йўл қўйилмайди. Камчиликларни бартараф қилиш хусусида ўзаро ҳурматни сақлай билиш керак. Ўзаро ҳурмат, бир-

бирини бир карашдаёқ тушинабилиш, хушмуомалалик жамоа аъзоларига сингиши лозим. Ана шундагина ҳар бир шифокор, ҳамшира ёки энага ўз қалбининг нақадар бой эканлигини англаб етади. “Бемор хузурида гаплар тугатилиб, кулгига чек қўйилиш керак” деган хикматли сўз борлигини унутмаслик керак.

Беморга самимий муносабатда бўлиш, кўнглини кўтарувчи бир-икки оғиз сўз, соғайишга ишонч уйғотиш-булар ҳаммаси ҳозирги кунда даволаш-профилактик муассасалар хазинасидан ўрин олиб келиши керак.

Шу боис, юнон ҳакими Гиппократ, (Буқрот): „Қаерда инсонлар севилса, ўша ерда тиббиёт санъати ардоқланади” деган эди. Яна Гиппократ: “Шифокор тиббиётга донишмандликка олиб кириши, файласуф бўлиши лозим. Файласуф ҳам, шифокор ҳам ҳалоллик, номуслилик, яхши ном, кўнгил хотиржамлиги, баъмани нутқ, амалий ҳаётда керакли ва фойдали нарсаларни билиш, улуғ қалб эгаси бўлиш каби хислатларга эга бўлиши керак” деб таъкидлайди.

Қадимий манбаларда: “Шифокор дўстларига ва ҳатто душманларига нисбатан ҳам ҳаққоний бўлиши, оилавий сирни мукаддас билиб, тилини тия билиши керак. Инсон ота-онаси, дўсти олдида кўрқиши мумкин, лекин у шифокор хузурига борганда ҳеч қандай хавф-хатарни сезмаслиги керак. Зеро, шифокор беморга ўзининг ота-онаси, дўстидан кўра меҳр ва диққат - эътибор билан қараши керак. Ҳаким беморлар учун ота, соғлом кишиларга дўст, дарддан халос бўлиб, саломатлигини тиклаганларга эса посбондир. Яхши шифокор бўлиш - хато қилмасликда эмас, балки ўз хатосига жиддий ёндашиб, уни бўйинга олишда ва тузатишдадир. Беморни нотўғри ҳаёт кечириш тарзини ўзгартириш кераклигига, зарарли одатлардан воз кечаолишига ишонтириш, мунтазам даволаш кераклигини билдириш, ўз-ўзини даволаш ҳаракатларидан воз кечиртириш-касалликка

қарши курашда беморни ўзини фаол ёрдамчиси, иттифоқчисига айлантириш демакдир.

Тиббиётни ўқиб-ўрганиш осон эмас. Шунинг учун ҳам бу соҳани танлаган ҳар бир инсон уни тиришқоқлик билан муттасил равишда эгаллайди. Ақлли, моҳир шифокор ҳеч қачон ҳамкасбларига ғайирлик қилмайди, уларни обрўсига путир етказмайди. Бошқаларни менсимай, “ўзим биламан” деб даво қилмайди. Илмда ундан ҳам юқори зотлар борлигини унутмайди. Касбга садоқатли, ҳалол ва беморларга меҳр-шафқатли, илмли бўлган шифокор ҳар қандай дардга даво топа олади.

Бир ҳикматда айтилишича, шифокор қалбида бир қанча бўстонлар бўлгани маъқул экан: Биринчиси-илм бўстони, иккинчиси-мулойимлик бўстони, учинчиси-ихлос бўстони, тўртинчиси-камтарлик бўстони, бешинчиси-саҳоват бўстони, олтинчиси-ризо бўстони, еттинчиси-умид бўстони!

Савол туғилади: Бу бўстонларда нималар бўлади? Киши раванқ топай деса, аввало илм бўстонига киради, у ердаги нодонлик ва жоҳиллик хашакларини юлиб ташлайди. Сўнг ихлос бўстонига киради ва бу бўстонда риё ва бадгумонлик хашаклари бўлса, уларни юлиб, бўстонини тозалайди. Сўнг камтарлик бўстонига киради ва бу бўстонда ташаббускорлик ва мағрурлик хашаклари бўлса, уларни ҳам юлиб, тозалайди. Ундан сўнг ризо бўстонига киради ва бу бўстонда манманлик ва қайсарлик тиконлари бўлса, бўстонни улардан холи қилади. Сўнг умид бўстонига киради ва бу бўстонда умидсизлик ва тушқинлик тиконлари бўлса, уларни юлиб, отади. Мана шуларга эришган шифокор ўзини бахтиёр сезиши мумкин.

ШИФОКОРГА ЁТ ФАЗИЛАТЛАР

Инсоннинг қалбига йўл топиб, унинг дардига малҳам бўладиган касб бу-шифокорлик касбидир.

Биз юқорида шифокорга хос фазилатлар ҳақида сўз юритдик.

Шуларга амал қилган шифокорларимизнинг кўпчилиги ўзларининг чуқур билимлари, ҳалол меҳнатлари билан эл оғзига тушиб, уларнинг ҳурматларига сазовор бўлаётганликларини кўриб қувонасан киши. Лекин шу билан бирга **айрим шифокорларнинг** беморлар дардини тўла қонли эшитмай, улар билан яхши муомалада бўлмай, шошма-шошарликка йўл қўйиб, уларни текширишга етарли вақт топмай, улар ишончини қозона олмаётганликларини гувоҳи ҳам бўламиз. Натижада рўзнома ва ойнома саҳифаларида айрим шифокорларни айбловчи мақолаларни ўқиб қоламиз. Биз ўйлаймизки, бу шифокорларда касбга садоқат, фидойилик, сабр-тоқат каби фазилатлар етишмайди. Уларда шифокорнинг ҳар бир қабулида, ҳар бир ёзувида инсон ҳаёти, унинг оила аъзолари, қариндош-уруғларининг ҳам ҳам ташвишлари турганлиги ҳисси кўринмайди.

Шифокорни кўпол, жоҳил, серзарда, дилозор бўлишга ҳаққи йўқ.

Дейлик, аҳволи унча оғир бўлмаган беморга турли ноёб дориларни бериб, ширин сўзимизни дариг тутайлик. Бемор, аввало, шифокор яхши гап айтмаяпти, демак тузалмас эканман, деган ҳаёлга боради, унда руҳий безовталаниш, руҳий емирилиш бошланиб, аҳволи беш баттар ёмонлашади. Агар бунинг аксича, оғир беморга дори-дармонлар бериш билан ширин ва мулойим сўзлаб, унинг кўнглини кўтарилса, унда хатто тиббиётга маълум бўлмаган ҳимоя нуқталари ишга тушиб, тузалиб кетиши осонлашади. Бу ҳолатларни ҳаётда тез-тез кузатамиз.

Сўз билан чиндан ҳам жонга оро кириши, лекин беихтиёр оғиздан чиққан кўпол, бемани сўз тузатиб бўлмайдиган даражада инсонга зиён келтириши мумкин.

Юрак хасталигидан ўлиб қоламан деб, қўрқаётган жуда серхадик, одамни бир тасаввур қилинг. Агар шифокор шу беморни юрагини эшитиб, бор йўғи бир хўрсиниб қўйса бас, шундан сўнг ўша беморга ҳеч қандай дори- дармон наф бермаслиги мумкин.

Шу ўринда шоир А.С.Пушкиннинг шахсий шифокори бир беморни сўзи билан ўлдириб қўйганини эслаш кифоядир. Шифокор жон бераётган А.С.Пушкин ёнидан эндигина уйга келган экан. Шу пайт уни бошқа бир беморни кўриб қўйишга чақиришибди. У беморни кўриб бўлгач, бемор аранг бошини кўтариб: “Айтингчи доктор, менда тузалишга умид борми, тузалиб кетармиканман? деб сўрабди. “Ҳеч умид йўқ” деб жавоб берибди доктор. Нима бўлибти, ҳаммамиз ҳам бир кун ўламыз, отахон. Ана, Пушкиндай улуғ шоир ҳам кўзини юмиб кетаяптику, эшитаяпсизми? Сиз билан биз ҳам энди ўлиб кетаверсак бўлади”.

Шу сўздан сўнг бемор инграб, бошини ёстикка қўйибди ва А.С.Пушкин билан бир кунда, деярли бир соатда вафот этган экан. Мазкур ҳолда шифокор ўзини йўқотиб, ўз бурчини бузган. Кўряпсизми халқимизни: “Сўз кулдиради, сўз ўлдиради”, деган нақли бежиз эмас экан.

Шу ўринда шифокор деонтологияси муомаларидан бири бўлган – “Ятрогения” ҳақида сўз юритмоқ жоиздир. Ятрогения – бу врачнинг ёки ўрта тиббиёт ходимининг ношуд суҳбати, ножўя кўрсатмалари, кўпол ҳатти-харакатлари, билимсизлиги, доқайдлиги ёки бир ёмон сўз билан беморда пайдо бўладиган янги касалликдир. Бу ҳолат тиббиёт ходимлари ичида ўз деонтологик бурчларини тўла тушиниб етмайдиганлари борлигидан далолат беради. Бундайлар шифокорлик шаънига доғ туширадилар. Шундан

беморларнинг тиббиёт ходимларидан ишончи қочиб, дардларига давони бошқа, тиббиётдан беҳабар инсонлардан ахтаришга тушадилар.

Нақл қилишларича, кунларнинг бирида Луқмони ҳаким кўчада кетаётган экан, қараса, сал олдинда бораётган бир қиз туфлармиш. Буни кўрган ҳаким қизнинг орқасидан қорама-қора бораверибди. Ниҳоят қиз бир уйга кирибди. Унинг кетидан етиб борган Луқмони ҳаким дарвозани таққиллатибди. Дарвозадан бир мўйсафид чиқиб ҳакимни танибди ва эҳтиром билан уни уйга таклиф этибди. Гап орасида Луқмони ҳаким мўйсафидга:

-Қизингиз бедаво дардга чалинибди, афсуски муолажани иложи йўқ, дебди.

Ҳакимнинг бу сўзларини халиги қиз эшик орасидан эшитиб турган экан. Бирдан қизнинг юраги дук-дук уриб, қалтираб йиқилибди ва хушидан кетибди. Хуллас, шу бир оғиз сўз оқибатида қиз қаттиқ дардга гирифтор бўлиб, оламдан ўтибди.

Кунларнинг бирида қизнинг отаси Луқмони ҳакимни учратиб қолади. Шунда ота: -Тақсир, қизим бедаво дардга чалинганини қандай билган эдингиз? - деб сўрайди.

-Қизингизни кўчада, бот -бот қон туфлаганини кўрган эдим, - деб жавоб қилади Луқмони ҳаким.

Бу жавобни эшитган чол ўз пешонасига битта уради. Кейин сал ўзига келгач: -Эҳ аттанг, қизим ўша кун шотут еб эди, сиз кўрган туфурги шотут шарбатыку!-дебди.

Шунда Луқмони ҳаким чол олдида тиз чўкиб, узр сўрабди -Сиз менга ва биздан сўнгги авлодларга унитилмас сабоқ бердингиз, бир сўз билан соппа-соғ одамни ўлдириш ёки аксинча оёққа тургизиб юбориш мумкин экан, дебди Ибратли ривоят, шундай эмасму?

Яна шуни этиборга олмоқ лозимки, одам ҳар нарсага аччиқланмай, асабларини сақлашга одатланса, ҳар хил

хасталиклардан йироқ бўларкан, еган овқатлари тез хазм бўларкан.

Арзимаган нарсага асабийлашадиган, серзарда, жоҳил, аччик тилли одамлардан атрофдагилар эмас, хатто унинг оила аъзолари ҳам безор бўлиб қоларкан, уни дийдорини камроқ кўргиси келаркан.

“Биз жонсиз идиш товоғимизни, янгисини олса бўладиган кийимимизни, янгисини курса бўладиган эшигимизни аяймиз. Лекин тил захримиз билан рўпарамиздаги тирик инсонни аямаймиз. Агар улар бир синса қайта тузалмайди, бир кетса қайтиб келмайди” дейди донолар.

Бировни сўкиб, унга таъсир ўтказган одам ҳеч қачон обрў топган эмас, аксинча унга нисбатан яширинча нафрат уйғонади, ундайлардан инсонлар узоқлашишга интилишади. Тилга эҳтиётсизлик ёшу-қари, яхши-ёмоннинг нақ юрагини мўлжалга олиб, аралашига ўққа тутиш билан тенгдир. Ҳар ким астойдил, ирода билан ҳаракат қилса, ўз феълени кузатиши ва тузатиши мумкин.

Бу борада шоирлар ҳам шундай дейдилар:

Заррача яхшилик бежавоб бўлмас,
Ёмонлик ҳам билгин жазосиз қолмас.
Атрофни қарагин ,хисоб бўляпти,
Нени қилса инсон шуни кўряпти.

Халқимизда “Ёвлашмоқ осон, ярашмоқ қийин” деган нақл бор. Бундан: “Ўзингни тий, бир-бирингни тушинмаган, англашилмовчилик ҳолларида жаҳлингга, тилингга эрк берма” деган маъно келиб чиқади. Шу боис, ҳар бир гапни ақл тарозисида ўлчаб, мулоҳаза билан гапириш маъқулроқдир, унда сиз ўзингизни ҳам, рўпарангиздаги инсонни ҳам авайлаган бўласиз.

Инсондаги манманлик, таъмагирлик, димоғдорликдан ҳеч ким манфаат кўрган эмас. Бу ҳислатлар бир кунмас бир кун кишини албатта қулатади. Дил оғритувчи киши куни келиб хасрат қонини ичиши муқаррардир. Шуни

унитмаслик керакки,кимки алам ва ситам дарахтини
экса,албатта азоб-укубат мевасини териб олади, бу ҳаёт
қонуни.

Ўз кашфиётлари орқали инсонларни космосга учишдек
орзусини рўёбга чиқишига кўмаклашган олим
В.И.Циолковский: “Агар инсонлар бир-бирлари билан
курашишга сарфлаган маблағларини бирлаштириб, ундан
саломатлик йўлида фойдаланишганида, оламда “ҳеч бир
касаллик қолмасди” деган эди.

Бир-биридан камчилик қидириш дилини оғритиш
ўрнига яхши сифатларни кўпайтирмак лозим. Ҳар қандай
йўқотишларнинг ўрнини балки қопласа бўлар, лекин
маънавий йўқотишларнинг ўрнини ҳеч нарса билан
тўлдириб бўлмайди. Ғазаб, кўполлик шундай бир дарахтки,
унинг меваси пушаймонликдан иборатдир. Буни
унутмаслик керак.

Мохир жарроҳ Ф.Углов: “Бундай шахслар ҳам онадан
кўпол, одатсиз, дилозор бўлиб тугилмайдилар, улар ҳам
оилада, маҳаллада, жамоада ҳаёт давомида меҳрсиз, орсиз,
иккиюзламачи бўлиб ўсадилар. Атрофдагилар андишага
бориб уларга инсоф кириб қолар, деб умид қиладилар.
Лекин шундай бўлиши қийинроқ кечади ёки умуман
кечмайди ҳам” дейди.

Бундай инсонлар билан суҳбатда бўлиб қолсангиз,улар
ўзларининг кўполликларини оқлаб, “Мени феълим шунақа”
деб қўйишади. Уларнинг фикрича, кишилар уларнинг
кўполликларини кечиришлари керак экану, улар ўзларининг
дилозорликларини эса қилаверишлари керак экан. Агар шу
инсоннинг ўзига кўполлик билан жавоб қайтарсангиз, у
чидаб туролмай, сизни ноҳақ ҳақоратлайди. Сиз бирор
ташаббус билан чиқсангиз ва уни аъло даражада
бажарсангиз, буни “Биз” қилдик деса ҳам майлия, уни
“Мен” қилдим деб, ўзича мақтанади. Халқимиз орасида
юрган: “Меҳнатни ўнг қўл қилади, узукни чап қўл такади”

деган нақл ҳам шундай инсонлар учун яратилгандир. Бу шахслар одатда ҳасадгўй бўладилар. Булар бошқалар олдида ўзларини маданияти юксак қилиб кўрсатишга уринадилар, ҳаммага ақл ўргатадилар, ўзидан яхши таъсурот қолдиришга ёлғондақа ҳаракат қиладилар. Лекин булар ҳамма ерда ҳам ўзига яраша ҳисоб-китоб борлигини, атрофдагиларни ҳаммаси ҳам улар ўйлаганчалик “Ахмоқ” эмас эканлигини гўёки сезмайдилар.

Шу боис, шифокор **ҳасадгўй** бўлмаслиги керак. Ҳасадгўйлар бировларни хато қилиб қўйишларини зимдан пойлайдилар. Бундай шахслар баданнинг соғ жойи қолиб, нукул яра жойига қўнадиган пашшага ўхшайдилар, кўзларини бакрайтириб, ёлғон сўзлайдилар. Улар маълум вақтгача ўз мақсадларига эришишлари мумкин. Аммо уларнинг муваффақиятлари вақтинчалик бўлиб, тез вақт ичида уларнинг шармандаси чиқади. Улар одамларга кулиб муомала қиладилар, аммо уларнинг кўнгилларида ҳасад ўти ёнади. Уларга “Ичи тўла зардоб” деган ибора тўғри келади. Бундай инсонлар билан билмай бир даврада ўтириб коласиз. Сал ўтмай улар ё бир захарли сўз айтиб, сизни чақиб олади ёки тулкилик қилади, ё гердаийб сизни ўсал қилади. “Одамни олмаси ичида экан”, деган маталнома ибора ҳам шундай келиб чиққан бўлса керак.

Улар ўзларининг қора ниятлари, ҳақиқий башараларини усталик билан ниқоблаб юрадилар. Кўпинча бу инсонлар қобилиятсиз бўладилар, ишни ёлчитиб қилмайдилар, ҳалол меҳнатдан қочадилар. Ҳушомадгўйлик уларнинг бирдан-бир қуролидир. Улар учун фаслларнинг ўзгаришини аҳамияти йўқ, улар дарров ўша фаслга мос тўнни кийиб олаверавадилар. Улар яхшироқ мансабга эришиш учун бор кучларини сарфлайдилар, ўрни келганда софдил инсонларга тухмат қиладилар. Мансабга эриниб олишгач, ўзларида қобилият бўлмасада, ҳар қандай ташаббусни бўғишга ҳаракат қиладилар. Ана шундай

шахслар туфайли қанчадан-қанча софдил, меҳнатсевар, ҳалол инсонлар руҳан майиб бўлиб қоладилар. Шифохоналарда даволанаётган қон босими ортик шахслар, инфаркт, шол бўлиб қолганлар, қандли диабет ва ошқозон ичак касалликлари билан оғриган беморлар билан суҳбатлашганимизда, уларнинг кўпчилиги ана шундай андишасиз инсонлар қилиғи туфайли жабр тортаётганликларини ачиниб айтадилар.

Дўстларнинг ютуғидан қувониш, унга хавас қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Хавас дарахтидан кўра, кўпинча ҳасад дарахти сўнмайди. Ғийбатлар, хусуматлар ана шундайлар инсонлар қалбида уя қуради, негаки омадсизлар учун ҳасад дарахтининг гуллари чиройлироқ кўринади. Кўзларига бошқа нарса кўринмайди. Ўзлари қазиган чоғга бир кунмас бир кун ўзлари тушиб кетишини ҳаёлига ҳам келтирмайдилар, кўнгил ўрнини бедаво қаҳр, нафрат эгаллайди.

Бир ривоятда айтилишича, Хусайн Бойқаро даврида кўплаб мадрасалар, кўприклар, бозорлар қурилибди. Халқнинг ахволи яхшилана борибди. Ҳамма хурсандмиш. Қарангки, бир инсон шунча яхши ташаббусларни кўрсада, эгри гапдан қолмасмиш, яъни “Қурилган кўприклар мустаҳкам эмас, қурилган мадрасаларнинг ғишти яхши пишмаган, бозордаги тартибсизликларга чидаб бўлмайди, мен қашшоқ, мен қашшоқ”.

Буни эшитган ёш йигитларни ғаши келиб, тили ва дили эгри бу ношукур инсонни қози олдига олиб боришиб, воқеани унга баён қилишибди.

Шунда қози: “Нега сенинг кўзинг ҳамма нарсани тесқари кўради, инсофинг борми, сени?, дебди унга. Бу одам безрайиб, қуёш томонга елкасини тутса, ёнбошига қийшиқ, эгри соя тушибди. Шунда у: “Ҳамманинг сояси тўғрию, меники эса эгри, нега шундай, бунга қуёш айбдор” дебди. Ношукурни қарангки, ер юзига бирдек нур сочиб

турган қуёшни айбдор қилиб, қутулиб қолмоқчи бўлибди. Бу шахсни қилиғидан хайрону-лол қолган қози: „Уни соясини ҳам, қорасини ҳам ўчиринглар” деб амр қилган экан.

Дунёда инсонлар ҳар хил бўлар экан. Бировлари инсонлар учун бало-офатларга кўксини қалқон қилса, бошқалари панадан макон топиб, эл-юрт гамида юрган фидойи инсонларнинг эзгу ишларини кўра олмай, игво билан, ҳасад билан уларни яксон қиларкан.

Демак, ҳар қандай фисқу-фасад, бўхтон, тухмат, ҳасад қилувчиларни, ўзгаларни ор номуси, шаъни, қадр-қимматига путур етказувчиларни олға қараб ҳаракат қилишимизга ҳалакит берувчи қора доғлар деб қаромогимиз ва булардан йироқ юришимиз лозим.

Шу ўринда шоирларнинг қуйидаги мисраларини келтиришни лозим топдим:

Ўз нафсини мағлуб эта олган марддир,
Ҳасаддан узоқроқ кета олган марддир.
Номард тегиб ўтар йиқилганларни,
Ожизлар қўлин тутаолган марддир.

Ёки

Агар сен вафоли бўлсанг, вафосиз бевафодан қоч !
Вафонинг қимматин билмай, юрувчи кимсадан қоч!
Қошингда инчунун мактаб, йўғинда юргувчи нолиб,
Тилига дил эмас пайванд, мунофиқ дил қорадан қоч!

Ёки

Яхши одам бўлмоқ эрсанг хулқ атворинг тузат!
Тил билан дил синдирувчи баъзи озоринг тузат!
Тан ва жонинг бўлсаки соғ шукрни айлаб бажо,
Ёш чоғингни елга бермай, касб ила коринг тузат!



Шифокорни лоқайдлиги, бепарволиги, қўполлиги, интизом ва бурчига содиқ бўлмаслиги ўта нохуш оқибатларга олиб келади.

Шуни унутмаслик керакки, шифокор беморни ўргана бошлаган биринчи пайтлардаёқ, бемор ҳам шифокорни ўргана бошлайди. Шифокорни сўзлаган сўзидан, унинг одобидан, уни қандай инсон эканлигини, мартабасини билиб олса бўлади. Агар шифокор бемор қалбидан жой топа олса, унда бемор шифокорга ихлос қўяди ва касалликка қарши курашишда унинг иттифоқчисига айланади.

Сухбат чоғида шифокор беморнинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглаши, ундан ўзи учун керакли хулосалар чиқара билиши лозим. Бемор сўзларига эътиборсизлик, ўзини алаҳситиб, турли қоғозларни ёзиб ўтириш шифокор обрўсини туширади ва беморни унга бўлган ишончини йўқотади. Бу нарса беморда шифокорга нисбатан ҳурматсизлик ва аччиқланиш кайфиятини тугдиради.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, не-не умидлар билан шифокор хузурига келган бемор уйқусизликдан шикоят қилса-ю, шифокор бошқа ишлар билан машғул бўлиб, унинг шикоятига эътибор бермай: „Тушингизда нима кўраяпсиз?“ деб турса бемор бу шифокорнинг унинг дардига даво бўлишига қандай ишонсин. Уйқусизликдан шикоят қилган инсон, қандай туш кўриши мумкин.

Такаббурлик шифокорга ёт фазилатдир.

Шу ўринда сиз азиз ўқувчим, қуйидаги ривоятга бир эътибор беринг-а: Фалакнинг гардиши билан стол устида керосин лампа, электр лампа билан учрашиб қолибди. Кўп умр кўрган керосин лампага нисбатан электр лампа жуда ёш экан. Бекор турмай, улар ўзаро суҳбат бошлашибди.

-Яша ўғлим. Доимо соғ- саломат бўл, дебди керосин лампа электр лампада қараб.

-Раҳмат! Фақат марра бизники, ота! Шундай эмасми?-деб такаббурона жавоб берибди электр лампа.

-Албатта, марра сеники, ўғлим, лекин масала шундаки аввало, марра абадий ходиса эмас, балки саноксиз, кўп марралардан иборат. Шунинг учун ғафлатда қолма.

-Мана, сиз қариб қолдингиз, мен эса сизнинг маррангиздан ўтиб кетдим, шунинг ўзи мен учун ютуқ.

-Кеккайма, ўғлим! Одоб ва камтарликни унутма. Агар ҳақиқатни билишни истасанг маррадан ўтишинга мен замин тайёрлаб берган эдим, буни унутганга ўхшайсан. Ўз вақтида менинг ёруғимда не-не олимлар, улуг зотлар ижод этганлар. Демак, сенинг эришган муваффақиятингда билиб қўйки, менинг ҳам ҳиссам бор!

Ажабо, худди шу пайт кучланиш пасайиб, ярқираб турган электр лампанинг симлари қизариб қолибди. Шундай бўлсада, керосин лампа синиқлик, камтарлик билан, уни хижолатдан чиқаришга ҳаракат қилиб, дебди. -Баракалла

Ўғлим бу қизаришинг, сенга ҳаё борлигидан далолат беради.
Бу яхши фазилят !

-Раҳмат ота

-Иккинчи томондан ёшлик гурури сендаги шиддат ва қувватдан гувоҳлик бермоқда. Агар бу қувватни тўғри, оқилона ишлатсанг, шубҳасиз ажойиб ютуқларга эришасан. Акс ҳолда бутунлай куйиб, ишга яроқсиз бўлиб қолганингни ўзинг ҳам сезмай қоласан, ўғлим. Ибратли ҳикоя, шундай эмасми?

Ҳаётнинг сабоқлари ғоят даражада ҳикматли, бебаҳо, қонунлари эса мураккабдир. Холбуки, буни баъзи бир кимсалар енгилтаклик билан ечмоқчи бўладилар. Минглаб йиллар давомида ҳаётда синалган ҳалол меҳнат йўли тургани ҳолда, баъзилар нотўғри ҳаракатлар ила „муваффақият“ қозонмоққа уринадилар. Айримлар „муваффақият“ қозонганлар оғушида такаббурлик ҳасталигини юқтириб, дўст душманнинг, яхши-ёмоннинг фаркига бормай қўядилар. Шубҳа йўқки, эрта ё кеч бундай баландпарвозлик совун кўпигидай йўқ бўлиб кетади.

Шифокор ясан-тусанга кўп этибор бериши керак эмас. Инсондаги гўзаллик-бу табиат ато қилган ҳусн-жамолдан ташқари, энг яхши ҳулқ атвори, энг яхши фазилятларни ўзида мужассамлаштирган одамийликдан иборатдир.

Бу борада, ёзувчи Мирзакалон Исмоилий „Сен ҳар қанча ясаниб, тусанмагин, ҳар қанча бўялмагин, турли-туман тақинчоқлар такмагин, баъзи-бир инсоний фазилятинг бўлмаса, сен-хунуксан, сен жирканчсан, сен маънавий ногиронсан! Билиб қўй, сенга инсон ҳуснини берадиган, номингни бедоғ сақлайдиган нарса, юзинга суртган бўёқлар, қуёшқондан чиқиб кетган бачкана кийимлар, турли зебу - зийнатлар эмас, йўқ асло,булар эмас! Сенга бу ҳусни чиройли одоб, ахлоқ, маданият, яхши фазилят беради.

Бундай гўзаллик инсон ҳаётлигида ҳам, ҳаётдан кўз юмганидан кейин ҳам ўз ҳолича қолаверади” деган эди.

Шифокорнинг лоқайдлиги, бепарволиги кечириб бўлмас ҳолдир.

Бундан бир неча йил аввал, қишлоқ врачлик пунктларининг бирида бўлганимда, шифокор ҳузурига бир бемор аёл кириб келди. Шифокор унга даб-дурустан “Лабораторияда бўлиб, қон ва сийдик анализини топширдингизми?” -деб сўраб қолди. Бемор шифокор ҳузурига биринчи бор келаётганлигини айтиб, “йўқ”-деб жавоб берди. Шунда шифокор анализ топшириб, кейин келинг!, деб буюрди. Бемор хўп деб, хонадан чиқиб кетди.

Қабулига келган иккинчи бемордан: „Нимага шикоят қиласиз? “-деган эди. У “Юрагим бот-бот ўйнапти “-деди. Шифокор беморни текширмай, “Боринг ЭКГ қилдириб, келинг!”-деб, чиқариб юборди.

Мен шифокордан “Ахир бу беморлар қабулингизга биринчи бор келган бўлса, сиз уларни дардини суриштириб, обдон текшириб кўрмадингиз-ку, балки ҳеч қандай анализга, ЭКГга хожат йўқдир” -дедим. У бўлса бамайлихотир: “Барибир, кўргандан кейин ҳам лабораторияга, ЭКГга жўнатаманда, ундан кўра шулар билан келса осон бўлади” -деб жавоб берди.

Шу мулоқатдан сўнг шифокордан нажот излаб келган беморларни шу шифокорга нисбатан ишончлари қоладими ?

Ёки бошқа бир мисол: Шифохоналарда даволаш ишларига бағишланган йиғилишларда беморларнинг касаллик тарихлари айрим шифокорлар томонидан сифатсиз ёзилаётганлиги, уларга нисбатан кўпол муомалада бўлаётганлигини эшитиб қоламиз. Бу салбий ҳолатларга сабаб нима? Илмимиз ёки вақтимиз етишмайдими? Йўқ,бизнингча айрим шифокорларда касбга садоқат етишмайди.

Бу борада бир воқеани эътиборингизга хавола қиламан:

Вилоят клиник шифохонасидаги ички касалликлар бўлимида узоқ йиллардан бери бир аёл бош энага бўлиб ишлаб келарди. У касбига меҳр қўйганлиги учун бўлса керак, кўп вақтини беморлар орасида ўтказарди. Бир куни у менинг хонамга кириб: “Бир палатадаги янги келган бемор миокард инфаркти касалига чалинганга ўхшайди, лекин у ётмай, дахлизда юрибди, палата шифокори бошқа ташхис қўйганга ўхшайди, бир хабар олиб қўйсангиз” деб қолди. Мен дарҳол, беморни текшириб кўрдим. Дарҳақиқат, беморга ташхис аниқ қўйилмаган бўлиб, аслида унда миокард инфаркти бор экан. Бу касаллик **атипик** кўринишда кечаётган экан.

Кўряпсизми, беморга тўғри ташхис қўйишда энаганинг синчковлиги катта ёрдам берди, фалокатнинг олди олинди. Бемор шифохонадан шифо топиб кетди.

Ақлли, моҳир шифокор ҳеч қачон ўз биродарларига нисбатан ғайирлик қилмайди, уларнинг обрўсига путир етказмайди.

Ёлғончилик, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, манманлик, шифокорга ёт фазилатлардир.

Ёлғончилик, одатда мақтанчоқ, ҳеч қандай ишнинг уддасидан чиқа олмайдиган кишиларга, ҳасадгўйларга хосдир. Ёлғончилик инсонликка доғ туширади. Ёлғончи маълум вақтгача ўз мақсадига эришиши мумкин. Аммо, бу муваффақият вақтинчалик бўлиб, тез вақт ичида унинг шармандаси чиқади. Шунинг учун халқимизда “Ёлғоннинг умри қисқа” деган нақл бор.

Хушомадгўйлик – энг қадимий ва энг ярамас иллатдир. Хушомадгўй одамларнинг қуроли-ёлғондир. Лаганбардор шахс учун мансаб-ниқобдир. У ўз мақсадига етишиш учун ҳамма нарсани қилишга тайёр, бунинг учун ҳеч нарсадан қайтмайди. Лаганбардор шахслар-мунофиқ

бўладилар. Мунофиқлик эса фирибгарликка ундайди. Фирибгарлар муттаҳам, разил бўладилар. Разил кишилар разолатдан, жиноятга йўл оладилар.

Манманлик – кибр ҳаводан пайдо бўладиган ёмон хулқлардан биридир. Манманлик ҳам заифликни билдиради. Манманлик, такаббурлик оқибати заволидир. Кибр- ҳаволи кишилар ўзларини „доно“, „ақли“ санайдилар „Мен“ деган сўзни кўп пеша қиладиган, бошқаларга беписанд қарайдилар.

Ривоят қилишларича бир киши уй қуриш ниятида ўн бир туپ дарахт экибди. Дарахтлар сарв қоматларини кўкка чўзиб ўсаверибди. Лекин бир тупи атрофга тарвақайлаб кетаверибди. Гоҳ ўнга,гоҳ чапга энгашиб, ёнидагиларни ранжитибди.

-Сен биздан бошқачароқ чиқиб қолдинг. Қаторда бўлганингдан кейин ҳамма билан баробар ўсди! Бундай қилаверсанг, қийшиқ, букри бўлиб қоласан, дебди ёнидаги терак.

-Менга ақл ўргатма, нима қилишимни ўзим биламан, дебди ҳалиги ўзбошимча терак.

У яна ўз билганича ўсаверибди. Шундай қилиб кунлар, ойлар, йиллар ўтибди. Тераклар вояга етибди. Уларнинг эгаси кунимга ярайди, деб ҳамма теракни кесибди, пўстлоғини шилиб олиб, ёғочларни қуритибди. Кейин уста чақириб, шу теракларни тўсин қилиб, ўн бир ёғочлик уй қуришни буюрибдида, ўзи иш билан бир неча кунга қўшни қишлоққа кетибди.



Қайтиб келса, уй ҳали ҳам битмаганмиш.

-Уйингиз аллақачон битган бўларди,-битта тўсин етмай қолди ,дебди уста

-Тавба дебди уй эгаси ёқасини ушлаб,-нахотки мен янглишган бўлсам?Ўн бир туп теракни ўз қўлим билан экиб,ўз қўлим билан келтирган эдим-ку, сизга.

-Сонига ўн бир туп экан. Лекин ўнтаси тўсинга яради. Биттаси эгри ўсган экан. Уни иккига бўлдим, у ёғ , бу ёғини йўниб, остонага кўйдим-дебди уста.

Бу гапни эшитгач, уй эгаси бозордан битта тўғри хода келтирибди. Уй битибди.

Бу воқеага кўп вақтлар бўлибди. Лекин хозиргача ўша тўғри тўсинлар уйнинг шифтида ҳаммадан баланд турар экан. Остонани эса ҳар куни неча-неча киши босиб ўтарканлар.

Нафс жilовига эрк бериш ҳам манманликни келтириб чиқаради. Мол-дунёси кўплар, бой-бадавлатлар, мансабдорлар орасида манманлар, кибрлилар кўпроқ учрайди. Улар ўз манфаатлари йўлида ҳамма нарсани ўз қаричлари билан ўлчайдилар ва атрофдагиларга айрим холларда жабр ўтказадилар.

Расулulloх: “Кимки ўзини камтарона тутса унинг мартабасини Аллоҳ юқори қилур. Кимки такаббурлик қилса, Аллоҳ уни хор этгур” деганлар.

Бу фоний дунёда ҳеч кимнинг манманлик қилишига хожат йўқ. Ҳамма нарса ўткинчи, вақтинчалик ва синов-имтиҳон учун берилган.

Тамагирлик – шифокорга ёт фазилат бўлмоғи лозим. Лекин ҳаётда ўз виждонини унутиб, бу касбни топтаётган ноинсоф шифокорларга ҳам дуч келасан.



Баъзан кишилардан „У шифокор ўзига фойда орттиришга ишончи комил бўлса, бемор ёнидан силжимамайди, ернинг тагидан бўлса ҳам керакли дорини топади. Ҳатто ҳамшираларга ҳам ишонмай қолади, уколени ҳам ўзи қилади. Пул учун ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам уради”, деган сўзларни эшитасан.

Очигини айтсак, шифокорлар орасида инсоннинг энг оғир лаҳзаларидан фойдаланиб қоладиган виждонсизлар ҳам йўқ эмас. Тасаввур қилинг-а, ўлим ёқасида сизга термулиб ётган бемор жонига нажот бериш ўрнига унинг чўнтагига, пулига кўз олайтирсангиз. Бу эскича олганда ҳам, янгича олганда ҳам-кечирилмас гуноҳдир. Бундай қаллобларнинг тақдири тиббиёт билан боғлиқлигига

хижолат чекасан киши. Негаки бирники минга, мингники туманга татийди.

Таъмагир шахс ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун турли қабихликлардан қайтмайди, ёлғон гапиради, ёлғон гапни исботлаш учун ёлғон қасамлар ичади. Ҳар хил хийлаларни ўйлаб топади ва харом ейди.

Мана шундай олғирлар туфайли тиббиётнинг покиза номига доғ тушади. Аммо тиббиёт олами оқ халатдаги бу доғларни ювишга қудрати етадиган кучга эга. Бу куч иймон-эътиқоди бутун, эртами, кечми, уйдаи, меҳмонхонадами огоҳлантирувчи хабар эшитди дегунча, югуриб келадиган, соатлаб ўлим билан олишадиган шифокордир. Унинг уйқусиз тунлари ҳисобига бемор иккинчи бор ҳаёт юзини кўради.

Ҳалоллик-иймон асосидир. Демак, жисмимиз, руҳимиз соғлом бўлиши учун, биринчи навбатда риск-насибамиз ҳалол бўлмоғи шарт.

Бурч худди виждон қаби маънавият тоифаларидан бири саналади ва уни қисман ёки ярим-ёрти ҳолда адо этиш мумкин эмас. Агар инсон бурч юкини ўзидан соқит қилар экан, нафақат фойдасиз мавжудот бўлиб қолади, балки ўз хулқ-атворининг барқарорлигидан ҳам сўзсиз айрилади.

Кўп йиғинларда одамларнинг: “Сизнинг касбингиз шифокорлик касби жуда улуг, инсонпарвар касб”, деганларини эшитамиз. Дарҳақиқат, шундай! Бироқ инсонни касб эмас, балки инсон касбни гўзал қилади.

Хулоса қилиб, шуни айтиш керакки, ҳар бир киши яхши хулққа эга бўлиши учун ёмон хулқларнинг зарарини билиб олмоғи, улардан огоҳ бўлмоғи зарур.

Одамийликнинг энг улуг хислатларидан бири **кечиримликдир**. Биз тил билан, дил билан кечириб юборсак, эҳтимол, қаршимизда турган бир одамни аяган бўлармиз. Эҳтимол яна шу айбларни қилмаслигига туртки бўлган ёки унинг ишончини қозонган бўлармиз. Биз бир-

биримизни кечириб юриб, қаршимизда турган одамни дардига ширин тилимиз билан малҳам бўламиз. Жами гина қудраталарни унитиб, қалбимизни кенгроқ тутсак, тилимиздаги найзаларни бўлар-бўлмасга санчишни бас қилсак, иймонимиз комилки, инсонлар бир-бирларини суядилар. Бахтли бўлиш орзусида яшаган ҳар бир кишининг қалби пок бўлиши, нафсини тия билиши керак. Киши қалбидан жой олиш-энг улуг бахт. Шу боисдан меҳрли инсонларни **“Кўнгил табиблари”** дейишади. Шифокор шундай инсон бўлмоғи лозим.

Ҳар бир инсон ўқилмаган китоб мисоли. Ҳаётимиз акс этиб бораётган ҳар бир умр китоби фақат эзгу тилак, яхшиликларга бой бўлсин, дея ушбу рисолага яқун ясайман.

ШИФОКОРЛИК КАСБИ ҲАҚИДА ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Шифокорнинг аввал кўзи шифоли,
Қолаверса, очик юзи шифоли.
Шифо учун дори-дармондан ҳам,
Икки оғиз ширин сўзи шифоли.

2. Табибнинг бағрида бир неча хислат,
Бўлмоғи вожибдур, эй олий химмат
Насихат қилувчи бўлсин одамга,
Гуноҳни кечирсин, қўймасин ғамга.
Бачкана хазилу кулгидан қочсин,
Қадри, эътибори кам бўлмай ошсин.
Каттаю кичикка бўлсин меҳрибон,
Сўзи тўғри бўлсин, ахлоқи омон.
Игвогар бўлмасин, кибрдан қочсин,
Ширин сўзлар ила оғзини очсин.

3. Шифокордан минг марта яхши кайфият талаб қилинади,
чунки у инжиқ, қайсар хаста билан иш кўради.

4. Моҳир жарроҳда бургутнинг кўзи, шернинг юраги, аёлнинг
қўли бўлиши керак.

5. Беш нарса шаҳарни безайди: ғолиб хоким, одил қози, обод
бозор, моҳир шифокор ва азим дарё.

6. Шифокор доим хизматга тайёр туриши, тажрибали ва
виждони пок бўлиши зарур. Аммо у зинҳор ялқов ва очкўз
бўлмасин.

7.Нўноқ ёзувчи,чала рассом,истеъдодсиз артист бўлиши мумкин,аммо ёмон шифокор бўлиши асло мумкин эмас.Бу-жиноят.

8.Табибнинг юзи беморнинг кўнглига маҳбуб,сўзи-беморнинг жонига марғуб,нафаси-дармонсиз,нимжонларга даво,қадами беморларга шифодир.Унинг кўриниши беморларга нажот багишлайди,берган шарбати, дори-дармони оби-хаёт демакдир.

9.Шифокорнинг шифо топа олмай ожиз қолганини бемор асло сезмасин.

10.Шифокорнинг бемор хузурида пайдо бўлиши,унинг биргина ширин каломи, беморни тезроқ дарддан фориғ бўлишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси врачининг қасамиёди

„Шифокор“ деган юксак унвонни олиб, тиббиёт фаолиятига кирар эканман:

- ўзимнинг бор билимим ва маҳоратимни беморни даволашга ҳамда инсон соғлиғини сақлашга бағишлашга;
- ёши, жинси, ирки, миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеидан қаътий назар, ҳар бир беморга куч-ғайратимни ва вақтимни аямай тиббий ёрдам кўрсатишга;
- беморнинг соғлиғини шахсий манфаатларимдан юқори кўйишга, камтар ва ҳалол бўлишга, ўз билимим ва маҳоратимни доимо ошириб боришга;
- шифокор сирини сақлашга;
- кишиларга ҳамиша меҳр-мурувват ва шифо топишларига ишонч ҳадя этишга;
- Букрот, Абу Али Ибн Сино сингари улуғ табибларнинг шонли анъаналарини давом эттиришга тантанали қасамёд қиламан.
- Ушбу қасамёдга умримнинг охиргача содиқ қолишга қасамёд қиламан.

Одилжон Салоҳиддинов/ Шифокорга хос ва ёт
фазилатлар/ Андижон, 20017. 56 бет.

Масъул муҳаррир: Н.М амасолиев.
Техник муҳаррир: Б.Ахмедов.
Дизайнер: Б. Зияев.

Босмахонага 2017 йил 03 августда берилди. Босишга
2017 йил 05 августда руҳсат этилди. Бичими 84x108 1/32.
Ҳажми 3.5 босма табок. Times New Roman гарнитураси,
офсет қоғози, офсет усулида чоп этилди.
Буюртма 35. Адади 100 дона.

“Step by step print” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Андижон шаҳар Храбек кўчаси 94-б уй.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг
27.06.2014 даги 12-3299. рақамли гувоҳномаси.